



ESTABLISHING A TRADE SECRET REGIME IN THE STATE-OWNED ENTERPRISES: ANALYSIS AND RESULTS

Rustam Nuraliev

Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management, head of department, PhD in Economic Sciences, nuraliev2306@mail.ru

Zufar Ashurov

Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management, deputy director for scientific affairs and innovations, PhD in Economic Sciences, zufara@mail.ru

Bekhruz Usmanov

Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management, junior research fellow, taxn_1993@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747823>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

Trade secret, trade secret regime, state-owned enterprise joint stock company (JSC), limited liability company (LLC), state unitary enterprise (SUE), authorized capital.

ABSTRACT

This article carries out an analysis to evaluate the establishment of a trade secret regime in the enterprises with a state share of more than 50 percent in the authorized capital. Based on the collected data, appropriate conclusions were drawn based on the results of the analysis of the establishment of a trade secret regime in the enterprises with a state share of more than 50 percent in the authorized capital.

УСТАНОВЛЕНИЕ РЕЖИМА КОММЕРЧЕСКОЙ ТАЙНЫ В ПРЕДПРИЯТИЯХ С ГОСУДАРСТВЕННЫМ УЧАСТИЕМ: АНАЛИЗ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Нуралиев Рустам Турғунович

Центр исследования проблем приватизации и управления государственными активами, заведующий отделом, к.э.н., nuraliev2306@mail.ru

Ашуров Зуфар Абдуллоевич

Центр исследования проблем приватизации и управления государственными активами, заместитель директора по научной работе и инновациям, д.ф.э.н. (PhD), с.н.с., zufara@mail.ru

Усманов Бехруз Шовкат угли

Центр исследования проблем приватизации и управления государственными активами, младший научный сотрудник, taxn_1993@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747823>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

В данной статье проведен анализ в целях оценки установления режима коммерческой тайны на предприятиях с долей государства более 50 процентов



Коммерческая тайна, режим коммерческой тайны, предприятие с государственным участием акционерное общество (АО), общество с ограниченной ответственностью (ООО), государственное унитарное предприятие (ГУП), уставный капитал.

в уставном фонде (капитале). На основе собранных данных были сформированы соответствующие выводы по результатам анализа установления режима коммерческой тайны на предприятиях с долей государства более 50 процентов в уставном фонде.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ТИЖОРАТ СИРИ РЕЖИМИНИ ЎРНАТИЛИШИ: ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Нуралиев Рустам Турғунович

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, бўлим бошлиғи, и.ф.н., nuraliev2306@mail.ru

Ашуров Зуфар Абдуллоевич

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари и.ф.ф.д (PhD), к.и.х., zufara@mail.ru

Усманов Бехруз Шовкат ўғли

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, кичик илмий ходим, taxn_1993@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747823>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

Тижорат сири, тижорат сири режими, давлат иштирокидаги корхона, акциядорлик жамияти (АЖ), масъудияти чекланган жамият (МЧЖ), давлат унитар корхонаси (ДУК), устав капитали.

ABSTRACT

Ушбу мақолада устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиздан кўпроқ бўлган корхоналарда тижорат сири режими ўрнатиш ишларини баҳолаш учун таҳлил ўтказилган. Йиғилган маълумотлар асосида устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарда тижорат сири режимининг ўрнатилиши таҳлили натижалари асосида тегишли хулосалар шакллантирилди.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонунига [1] мувофиқ, тижорат сири деганда учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот тушунилиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш



бўйича чора-тадбирларни кўриши белгиланган. Тижорат сири учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлиши, қонунчиликка мувофиқ ҳаммага маълум ёки ҳамма учун очиқ бўлмаслиги, унинг махфийлиги муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланган бўлиши, давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлмаслиги каби талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 июлда 2818-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий Низом”га [2] мувофиқ, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиздан кўпроқ бўлган корхоналар ва ташкилотларда тижорат сири режимига риоя этилиши белгиланган. Шунингдек, тижорат сири режимини ўрнатиш бўйича ишларни ташкиллаштириш ташкилот раҳбари зиммасига, юқоридаги Низом талабларининг ходимлар томонидан бажарилишини назорат қилиш таркибий бўлинмаларининг бошлиқларига юклатилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар, устав фондида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхона ва ташкилотларда тижорат сири режимини ўрнатиш ишлари қай даражада ташкил этилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Шу боис, ушбу мақолада устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиздан кўпроқ бўлган корхоналарда тижорат сири режимини ўрнатиш ишларини баҳолаш учун мазкур тадқиқот ўтказилган ва натижалари тақдим этилган. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади – устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиздан кўпроқ бўлган корхоналарда тижорат сири режимининг ўрнатилишини таҳлил қилиш ва аниқлаш.

Ўзбекистонда тижорат сирининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда тижорат сирини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги қонуни [1] 2014 йилда қабул қилинган. Мазкур қонунга мувофиқ, тижорат сири режими тижорат сирининг мулкдори томонидан ўрнатилади. Тижорат сири режимидан мамлакат конституциявий тузуми асосларини ҳимоя қилиш, давлат мудофааси ва хавфсизлигини, фуқароларнинг ахлоқини, соғлиғини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш талабларига зид мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Адлия Вазирлиги томонидан 2016 йил 28 июлда 2818-рақам билан “Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича Намунавий низом” [2] рўйхатга олинган бўлиб, ушбу Низом устав фондида (капиталида) давлат улуши эллик фоиздан кўпроқ бўлган корхоналар ва ташкилотларда тижорат сири режимига риоя этилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг 2017 йил 27 мартдаги 104-П-сонли буйруғи билан “Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича услубий тавсиянома” [3] ҳам тасдиқланган. Ушбу услубий тавсиянома корхона ва ташкилотларда тижорат қийматига эга бўлган ахборотни ўрнатиш ва сақлашда



тижорат сири мулкдорлари ва унинг конфидентлари, корхона раҳбарлари ва мутахассисларига кўмаклашиш учун ишлаб чиқилган.

Устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда тижорат сири режимининг ўрнатилиши таҳлили

Устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда тижорат сири режимининг ўрнатилишини аниқлаш 3 босқичда олиб борилди:

1-босқич: устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати шакллантириш;

2-босқич: устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган давлат иштирокидаги корхоналарга сўров хати юбориш ва маълумотларни йиғиш;

3-босқич: устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган давлат иштирокидаги корхоналар тижорат сири режимининг ўрнатилишини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг 1-босқичида устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган давлат иштирокидаги корхоналар тижорат сири режимининг ўрнатилишини таҳлил қилишга тайёрлаш учун, даставвал, устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати шакллантирилди. Ушбу рўйхатни шакллантириш учун Давлат активларини бошқариш агентлигининг давлат иштирокидаги корхоналар реестридан [4] фойдаланилди. 01.04.2024 йил ҳолатига кўра шакллантирилган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатида 1653 та давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналар мавжуд бўлиб, шундан 159 таси АЖ, 994 таси МЧЖ ва 500 та ДУК ҳисобланади.

Тадқиқотнинг 2-босқичида устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган давлат иштирокидаги корхоналарга сўров хати юбориш орқали маълумотларни йиғиш амалга оширилди. Жумладан, тадқиқот муаллифлари томонидан давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган 1653 та давлат иштирокидаги корхоналарга сўров хати юборилди. Ушбу сўров хатида қуйидаги маълумотларни тақдим этиш сўралди:

- тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича низом (ёки бошқа ҳужжат) қабул қилинганми;

- тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича низом (ёки бошқа ҳужжат) қабул қилинган сана;

- тижорат сирини муҳофаза қилиш билан боғлиқ жорий ишлар ташкилий-назорат функцияларини бажарувчи таркибий бўлинма номи (ёки мазкур функциялар юклатилган алоҳида шахс Ф.И.Ш);


- тижорат сири акс этган моддий жисмларни охирги марта хатловдан ўтказиш санаси.

Сўров натижаларига кўра, 950 та давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналардан маълумотлар олинди, бу мавжуд давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарнинг 57% ни ташкил қилади. Маълумотлар олинган 950 та давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналардан 132 таси АЖ, 739 таси МЧЖ, 79 таси ДУК.

Тадқиқотнинг 3-босқичида йиғилган маълумотлар асосида устав фондида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган давлат иштирокидаги корхоналар тижорат сири режимининг ўрнатилиши таҳлили амалга оширилди. Олинган маълумотлар таҳлил



қилинганда, сўровда қатнашган 950 та давлат иштирокидаги корхоналарнинг 50 тасида (5,3%) тижорат сири режими ўрнатилганлиги ҳамда тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича низом қабул қилинганлиги аниқланди (1-расм). Сўровда қатнашган давлат иштирокидаги корхоналарнинг 900 тасида (94,7%) тижорат сири режими ўрнатилмаганлиги аниқланди (1-жадвал).



1-расм. Тижорат сири ўрнатилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг улуши, %

Тижорат сири режими ўрнатилган 50 та давлат иштирокидаги корхоналар орасидан қуйидаги йирик корхоналарни келтириб ўтиш мумкин, жумладан: “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийуран” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзмиллийбанк” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ, “Ўзбекгеологияқидирув” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ ва ҳ.к.

1-жадвал

Давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарда тижорат сири режимининг ўрнатилиш ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Жами, та	шундан		
			АЖ	МЧЖ	ДУК
1.	Сўровда қатнашган корхоналар сони	950	132	739	79
2.	Тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича низом (ёки бошқа ҳужжат) қабул қилган корхоналар сони	50	37	8	5
3.	Тижорат сирини муҳофаза қилиш билан боғлиқ жорий ишлар ташкилий назорат-функцияларини бажариш бўйича таркибий бўлинмаси (ёки мазкур функциялар юклатилган алоҳида шахс Ф.И.Ш.) мавжуд корхоналар сони	50	37	8	5
4.	Тижорат сири ўрнатилмаган корхоналар сони	900	95	731	74



Тижорат сири режими ўрнатилмаган баъзи корхоналар ҳозирда тижорат сири режими бўйича ташкилий ишлар олиб бораётганликларини ва тижорат сири режимини ўрнатиш бўйича низом ишлаб чиқаётганликларини таъкидлашган (масалан, “Ангрен Логистика Маркази” АЖ, “Ўзбекистон Темир Йўллари” АЖ, “Олмалик Иссиқлик Манбаи” МЧЖ, “Янги Ангрен Иссиқлик Электр Станцияси” АЖ, “Навоий Вилояти Иссиқлик Манбаи” АЖ, “Полипропилен Қувурлар” МЧЖ, “Полиэтилен Қувурлар” МЧЖ, “Шахрисабз Вино-Ароқ” АЖ, “Тошшаҳарттрансхизмат” АЖ, “Тошкент Трактор Заводи” МЧЖ ва ҳ.к.).

Қолган 900 давлат иштирокидаги қорхоналар орасида тижорат сири режими ўрнатилмаган ва аксарият қорхоналар берган маълумотларида тижорат сири режимини ўрнатиш эҳтиёжи йўқлигини билдиришган ҳамда баъзи бир қорхоналар тугатиш жараёнини бошлаганликларини, ушбу ишлар ҳозиргача давом этаётганлигини маълум қилишган. Шунга қарамасдан, бу борада тадқиқот муаллифлари Давлат активларини бошқариш ҳудудий бошқармалар мутассадди ходимлари билан ҳамкорликда сўровда қатнашган 950 та давлат иштирокидаги қорхоналар вакиллари билан мулоқот олиб борилди ва уларга тижорат сири режимининг ўрнатилиши учун зарур бўлган ташкилий ишлар бўйича тушунтиришлар қорхоналар кесимида берилди. Жумладан, тижорат сирига айланадиган маълумотлар реестрини тузиш, қорхона ходимлари учун махфийлик шартномасини ишлаб чиқиш, тижорат сири режимини жорий этиш тўғрисида буйруқ чиқариш, тижорат сири режими бўйича ички низомни қабул қилиш ва ҳ.к. Бунинг натижасида айрим қорхоналарда тижорат сири режимини жорий этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилганлиги кузатилди.

Хулоса

Ўтказилган ушбу таҳлил натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантиришга имкон берди:

биринчидан, таҳлилда қатнашган давлат иштирокидаги қорхоналарнинг аксарияти “Тижорат сири тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Адлия вазирлигида тасдиқланган “Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган қорхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий Низом” нормалари ва талаблари ҳақида, тижорат сири нималиги тўғрисида хабардорлик даражаси пастлигини кўрсатди;

иккинчидан, сўров хати юборилган барча давлат иштирокидаги қорхоналарнинг 43% фоизи томонидан сўровга мувофиқ маълумотлар тақдим этилмади;

учинчидан, сўровда қатнашган 950 та давлат иштирокидаги қорхоналарнинг 5,3% да тижорат сири режими ўрнатилганлиги ҳамда тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича низом қабул қилинганлиги аниқланди. Сўровда қатнашган давлат иштирокидаги қорхоналарнинг қолган 94,7% да тижорат сири режими 2 сабабларга кўра ўрнатилмаган:

- 1) қорхонада тижорат сирининг ўзи мавжуд эмас;
- 2) қорхонада тижорат сири мавжуд, лекин тижорат сири режимини қандай ўрнатиш кераклиги ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмас.



Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, корхонада тижорат сири юзага келиши билан, корхонада ушбу тижорат сирини муҳофазани таъминлаш лозим. Бунда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган давлат иштирокидаги корхоналарда тижорат сири мавжуд бўлмаса ҳамда тижорат сири режимини қандай ўрнатиш кераклиги ҳақида корхоналар етарли даражада маълумотга эга бўлишмаса, бундай вазиятларда корхоналарда тижорат сири режимини қонунчилик асосида ўрнатиш талаб этилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси
2. Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 июлда 2818-сон билан рўйхатдан ўтказилган) / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси
3. Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича услубий тавсиянома [Электрон ресурс]. – URL: <https://research-center.uz/info/recomm>
4. Давлат иштирокидаги корхоналар реестри [Электрон ресурс]. – URL: <https://davaktiv.uz/uz/menu/reestr-gosudarstvennyh-predpriyatij>